

TOSHKE NT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrdas asos solining

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ ТҮГРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида 2023 йил 9 июль куни бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари түгрисидаги масала кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг 15,6 миллиондан зиёди ёки карийб 80 фоизи ўз хошиш-иродасини эркин инфода этиб, ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди.

Мажлисида 2023 йил 9 июль куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича баённома тузилидаги хамда сайлови натижаларини тасдиқлаш түгрисида қарор қабул қилинди.

Жумладан, сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 87,05 фоизи овози билан Шавкат Миронович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганини түгрисида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати

Президент сайлови: ХАЛҚИМИЗ ЕТТИ ЎЛЧАБ, ЕТТИ ЙИЛГА ЕТАКЧИ ТАНЛАДИ

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳамюртларимиз юксак сиёсий фаоллик кўрсатиши.



Хусусан, вилоятимиздаги 1 миллион 810 минг 281 нафар сайловчининг 1 миллион 428 минг 475 нафари муҳим сиёсий жараёнда қатнашиши. Улардан айримларининг фикр-мулоҳа-залини ёзиб олдик.

2

Бизнинг суҳбат

ЖАМИЯТ ТАРБИЯЧИСИ, ИСЛОҲОТЛАР ТАРГИБОТЧИСИ



Қисқа сатрларда

ТОШКЕНТ шаҳри ва ТОШКЕНТ вилоятида ноконуний чиқинди ташланадиган жойларга 200 та замонавий камералар ўрнатилмоқда.

АНГРЕН ва ОХАНГАРОН шаҳарларида автойўлчилар учун база курилади.

ОХАНГАРОН туманида чорвачиларни ривожлантириш учун Жаҳон банкидан йирик микдорда маблаг ажратилди.

ТОШКЕНТ туманида 150 гектардан зиёд ер майдонлари дафтарлардаги фуқароларга бўлиб берилди.

Вилоятда 4 мингга яқин хотин-қизларга ўқишига кириши учун тавсияномалар берилди.

Бугун мамлакатимизда том маънодда очиклик сиёсати хукм суроқда. Халқ билан мулоқот, ахборот маконининг тобора кенга-иб бораётгани мамлакатимизда журналистларни ҳар тарафлама қўллаш-куватлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиши, иктиомий таъминотини яхшилаш каби бир қатор долзарб масалалар кун тартибига чиқди ва улар давлатимизнинг кундаклик эътиборида бўлиб турибди.

Бу масалалар яқиндагина юксак савида бўлиб ўтган умумхалк референдумида яқшошлик билан қабул қилинган янгиланган Конституциямизда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев билан сұхбатимиз шу хусусда кечди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар сафар ўз чишишларида оммавий ахборот воситалари вакилларига жуда юкори баҳо беради. Жумладан, “Журналист ҳамда блогерлар жамиятни ва амандорларни “тарбия қилилти”. Ихро органи раҳбари бирон қарор қабул қилишдан олдин илгари хөрса ўқимасди, хозир камида 10 марта ўқийди. Журналистлар менга қандай баҳо беради, блогерлар нима дейди, деган саволларни ўзига беряпти. ОАВ вакиллари ислоҳотларимизга жуда катта ижобий таъсирини кўрсатдиган.

Биз ўта мураккаб даврда яшамоқдамиз. Медиа маконда, ахборот бозорида рақобат куайланидан куайиб бормоқда. Бугун ахборотлашган жамиятда мультимедия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортмоқда. Глобаллашув жараёнда ахборотнинг кўллиги таъсирли кўнглиларга ҳам таъсир кўрсатмай көлмаяпти.

ТОВУҚЛАР ГОЛМАНДИКИ, ШАРОИТ ГЕРМАННИКИ, даромад ўзимизники



Бугунги кунда паррандачилик даромадли йўналишлардан бўлиб қолди. Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳоннинг етакчи давлатларида ҳам паррандачилик катта эътибор қартилмоқда. Чунки, айнан шу соҳа аҳолининг озик-овқат хавфислизигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қолаверса, қышлоқларда одамларнинг бандилиги масаласига сезиларли ҳисса кўшмоқда.

3

Эътибор берганмисиз, ҳар бир худуднинг ўзига хос дехқончилик йўналиши бор. Қайсиидир туман боғдорчилик билан довруқ қозонган бўлса, бошқасида кўкат етишириш яхши йўлга кўйилган. Яна бири сабзавотчиликка ихтинослашган. Баъзи худудда яшовчилар эса юкоридаги омилкорликнинг ҳаммасини бирваракайга ўзлаштириб олган. Янгийўл тумани аҳолисининг дехқончилида ана шундай хос анъаналари бор.

Шу кунларда тумандаги “Шодлик” маҳалласига борсангиз, айни пишиклини устидан чиқасиз. Бир томонда қовун-тарвузлар узилаётган бўлса, боғларда олмалар гарп пishган. Дилмурод Сулаймонов 30 йилдан бери дехқончилик килади. 6 гектар ерда етиширилган қовун-тарвуз май ойининг ўрталаридан бозгора чиқарилмоқда.

– Юритимиз шундай диёрки, турғорида зарунади, об-ҳавоси мўътадил, оқар сувларни экинларга жон бағишлади, – дейди Дилмурод Сулаймонов. – Биз дехқонларга ерга меҳр кўйиб, парвариш қилиш қолган, холос. Бугунги кунгача 70 тоннадан зиёд тарвуз, 20 тоннадан ортиқ қовун уздики.

Дилмурод ака бу йил да-



4

Президент сайлови:

ХАЛҚИМИЗ ЕТТИ ҮЛЧАБ, ЕТТИ ЙИЛГА ЕТАКЧИ ТАНЛАДИ



БАРЧАГА БАРОБАР БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти сайлов округи худудидаги 968 та сайлов участкалари нинг барчасида овоз бериш жараёнлари бўлиб ўтди.

Хусусан, Нурафшон шаҳридаги "Дехқонобод" махалла фуқаролар йиғинида жойлашган 7-сайлов участкасида ҳам фуқаролар ўз хошиш-иродасини эркин ифода этиб, жараёнда яқдиллик билан қатнашиди.

Тошкент вилояти хокими Зойир Мирзев ҳам оила аъзолари билан мазкур сайлов участкасига келиб, ўзи муносиб деб билган номзода овоз берди.

"ИЛК БОР ОВОЗ БЕРДИМ"

Манат ТОҒАЙБЕКОВ, 18 ёш, Ўта Чирчик туманининг "Дўстлик" маҳалласида истиқомат қиласи:

— Сайловда илк бор қатнашдим. Очиги, бироз ҳаяжонландим. Партиялар ва номзодларниң дастурлари билан танишиб чиқсан бўлсамда, хулоса қилишга шошилмадим. Энди менинг овозим ҳам аҳамиятли экандан хурсандман. Дадил бўлиб, ўзим ишонган номзод учун овоз бердим.



МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Шахноза БОЛТАБОЕВА, Республика "Беш ташаббус" олимпиадаси соворинди:

— Мамлакатимизда спорт союзларнига яратилётган имкониятлар йилдан-йилга яхшиланмоқда. Якинда Бухоро вилоятида бўлиб ўтган "Беш ташаббус" олимпиадаси жамоамиз билан қатнашиб, фахрли 2-уринни кўлга киритдик. Овоз беряётганимда ўша шоҳсупадаги ҳаяжонни ҳис килгандек бўлдим. Албатта, бу даҳлорлик хиссиз. Мен Ватанимни, юртимни, халқимни ва спортни яхи кўраман. Шунинг учун ҳам сайловда масъулиятни ҳис қилиб қатнашдим.

"ИСЛОХОТЛАРДАН МАМНУНМАН"

Ўқтам УМРЗОКОВ, Янгийўл тумани Тибибиёт бирлашмаси шифокори:

— Тибибиёт соҳасида 36 йилдан бери фаолият юритиб келаман. Бугун шароитлар ўн йил давларидан катта фарқ қиласи. Биргина бизнинг туман тибибет бирлашмамизда барча усуналар ва жиҳозлар янгиланди. Кадрлар малакасига аллоҳида эътибор қартилмоқда. Ойлик маошларимиз ҳам кўтарилиди. Бунинг барчаси юртимиз тинчлиги, мамлакатимизда ислохотларниң тўғри олиб бора яётганидан дандир. Ва мен бу жараёнларни кўллаб-куватлайман. Шуни чукур англаган ҳолда сайловда оила аъзоларим билан қатнашдик.

“Санъатдаги эркинлик учун”

Аваз ОХУН, сўз устаси:

— Эрта тоңдан оила аъзоларим билан Тошкент туманинг 552-сайлов участкасига бориб, ўз овозимизни бердик. Ҳаётим давомида кўп сайловларда иштирок эттаним. Бу йилги сайловга пухта тайёргарлик кўрилгани, барча сайловчилик

"МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАДИМ"

Хидоят ая УРИНОВА, 100 ёш, Бекобод туманининг "Боғишамол" маҳалласида истиқомат қиласи:

— Мен шу ёшгача ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрдим. Умримнинг ярмидан кўпли даҳада ўти. Ўроқ ўрдим, кетмон чопдим, пахта тердим. Ҳалол меҳнат билан 8 нафар фарзандимни улағайтиридим. Аллоҳга шукр, шундай дориламон кунларни ҳам кўрпиман. Эрталабдан сайлов участкасидан келишгандаги кўнглигум тоддек кўтарилди. Чунки мендай оддий қишлоқ аёлининг овози ҳам мухимлигини хис килдим. Юртимизнинг эртанги куни, невараю эвараларимнинг келажаги учун овоз бердим. Илоҳим, Ватанимиз осуда, юртимиз янада обод, авлодларимиз баҳти бўлишсин!



ИККИ КАРРА ҚУВОНЧ

Зайнилобиддин КУДРАТОВ, Пискент тумани бош имом-хатаби:


— Тумандошларимиз билан жаҳобдапари ни адо эттамиш. Уйбу муқаддас масканларда ўзбекистонликларга яратиб берилган шароитлардан одам фахрланади. Мехмононада ташкил этилган 39-сайлов участкасида барча жиҳаларимиз йинлиб, юртимиз тархида мухим сийёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиб, овоз бердик.



"ГАПИРА ОЛМАСАМДА, ЎЗ ОВОЗИМГА ЭГАМАН"

Юлдуз НАСРИДДИНОВА, "Бекобод" маҳалласидаги 526-сайлов участкасида рўйхатга олинган сайловчи:

— Болалиқдан ногиронлигим бор. Гапира олмайман. Аммо бирор марта бу нуқсон билан жамиятда камситилмадим. Юртимизда ногиронлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Сайловда овоз беришм учун сайлов участкасидан сурдо-таржимон биритирилди. Менинг танловим ҳам мухим аҳамиятга эгалигидан қувонган ҳолда сайловда иштирок этдим.



Ўткир ҲОШИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар



Президентимиз нинг ҳар бир ислоҳоти замирида, аввали, хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларга муносиб шароит яратиш, муаммоларни ҳал этиш ғояси мужассам. Яратилган имкониятлардан қишлоғу шаҳар аёллари бирдек баҳраманд бўлишлари лозимлиги кўп бора уқтирилмоқда. Бу борада жойларда юритилаётган "Аёллар дафтари" яхши самара бермоқда.

Оққурғон туманинг энг кешишлари – "Навбаҳор" махалласида асосан қишлоқ хўжалиги махсулотлари ётиштирилади. Саноат учун ривожланмаганинг сабаби кўлида ҳунари бор хотин-қизлар бошқа туман ёки пойтахтга бориб ишлашга мажбур эди. Сўнгги вактларда туманда ишлаб чиқариш корхоналари, тикиучилик цехлари фаолияти йўлга кўйилгач, кўплаб аёлларнинг бандлиги таъминланади.

Шу маҳаллалик Феруза

БИРИНИ ЎН ҚИЛГАН қишилк аёми

Интилиш



Сойипова ҳам яратилган имкониятлар туфайли қишлоғида тикиучилик йўналишида кичик кооперация цехини ташкил этиди.

— Коллежни битиргач, ҳамширалик курсига қатнаб юрдим, — дейдай Феруза. — Отамнинг маслаҳати билан чеварва шогирдликка ҳам тушдим. Очиги, бошида кийналдим, уddyалашмiga кўзим

етмади. Аммо устозиминг меҳри билан берган сабаклари сабабли иккى ойда парда тикишини ўрганиб олдим. Шуншу тикиучилик билан шуғуланиб, келип сарополари, пардалар тикиб, даромад топа бошладим. Вақти келиб, фаолиятимни кенгайтириши истадим. Лекин бунинг йўлйўрини тушунмасдим. Шундай маҳалла фаоллари ёрдам бернишид: менга ўш тадбиркор сифатидаги 10 кишилик субсидия ажратиладиган бўлди. Ягона шарти "Аёллар" ва "Ёшлар дафтари" рўйхатидаги хотин-қизларни иш билан таъминлашди. Орадан бир ой ўтиб, 5 та тикив машинаси олдим. Ўзимдаги 3 та машина билан 8 та бўлди. Орзум ушалиб, кичик кооперация ташкил қилдик ва 10 нафар кам таъминланган хотин-қиз билан иш бошладик. Аввалига ички бозор учун болалар кийимлари тикидик. Ишимиз юришгача, каттапар кийимларига ўтидик.

Даромад ортгани сари Феруза цехни кенгайтириш ва кўпроқ иш ўрни яратишни ўйлай бошлади. Туман хоким-

лиги унга қишлоқ маданият саройидан жой ажратиб берди. Тезда бўюртмалар учун шартномалар тузилиди. Ҳозир кичик тикиучилик цехида 20 нафар хотин-қиз ишляпти. Якинда уларнинг сони 30 тага етади. Чеварларнинг кўли-кўлига тегмайди. Ютуқларидан завқланган Феруза бу билан чекланиб қолмокчи эмас, тез орада яна 40-50 кишини иш билан таъминлаш харкатида. Келгусида эса катта тикиучилик цехи куриб, ишга тушириши кўзлаган. Ажаб эмас, бир ўзи бутун қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашди...

Қишлоқ аёми ҳар қанча ишбилиарномон бўлгасин, аввало, ўй-жойини эплаб кўйши кепрак. Феруза яхши тадбиркоригина эмас, сариншали уй бекаси ҳамдир. Қайнонаси Шоҳиста ая келинининг чакконлиги, ҳар ишини уddyалашидан мамнун. Улар оиласвий 20 сотих ер олиб, дехқончилик ҳам қишилмоқда. Қисқаси, хонадон эгаарининг бариси ҳар қараратиди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Дарвоҷе

ЭНДИ КИТОБ УЧУН ПУЛ ТЎЛАНМАЙДИ...

Президентнинг тегишили фармони билан бюджетдан ташқари Республика мақсади китоб жамғармаси фаолияти расман тугатилди.

2022/2023 ўкув йилдан бошлаб мактаб дарспикларининг ижара тўланини тўлил жадидий бюджети маблаблари хисобидан қоплаш ҳамда ўқувчиларга дарспикларни белуп фойдаланишга бериш тизими жорӣ қилинди.

Бу йилдан бошлаб мактабларда ота-оналардан китоблар учун пул йиғилмайди.



СИНФ РАҲБАРИ ЎЗГАРМАЙДИ(МИ?)

Мактабларда 5 дан 11-синфа қадар ягона синф раҳбари тайинланниши лозим. Бу ҳақда ҳалик таълими вазирининг 2021 йил 22 февралда 41-сони буйруғи билан тасдиқланган «Синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги низомида белгилаб кўйилган.

Бошланғич синфга тайинланган синф раҳбари 1-синфдан бошлаб 4-синфчача ўқувчиларга ягона раҳбар хисобланади. Худди шундай тартиб 5-синфдан 11-синфа қадар ҳам кўлланилади.

5-синфдан 11-синфчача ягона синф раҳбарининг биритирилиши натижасида синфдаги ижтимои мухитни согъимравида ушлап турниш имкони ҳамда ота-оналарда ўз фарзандларининг таълим-тарбия жараёнинг нисбатан қизиқиши ортади.





Хашидан БОГ

Шу маҳаллапик Мирбахтиёр бобо Мирзумуродовни кўпчилик уста боғини сифатида яхши таниди. Узоқийлардан бери боғ яратиш билан шугулланиб келаётган отаҳоннинг 20 сотихлик ерида дараҳтнинг ўнлаб турларини учратасиз. Дараҳт ораларига турли сабзавотлар экади. 2 сотих ерда (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

парваришилаётган малинаси эса оиласа яхшигина даромад кептиримоқда. Йиллар давомимида би ишда тажрибаси ортган отаҳон ўғилу набираларига боғдорчиллик сирларини бажониди ўргатяпти.

Боғбонни биз ҳам иш устида учратдик. У кетмон ёрдамида ерларни тозалаш билан банд экан.

– Бу ерлар бир вақтлар ахлатхона эди, – дейди Мирбахтиёр бобо. – Уни тозалаб, тартибига кептириш учун анча ҳаракат кўлдик. Сувни эса 15 метр пастлиқдаги каналдан чиқарганимиз. Сувни кичик хувузчага йигиб, мотор ёрдамида боғни сугорамиз.

Маълумки, рўзгоронинг ободлиги, оиласидаги тинч-

лик-хотиржамлик меҳнат туфайлидир. Мирбахтиёр бобо каби боғ яратиб, ўз ерини яшнатаётгандар кўпаяверсин. Зеро, яхшидан боғ қолади.

Нозима РАСУЛОВА,
“Ташкент ҳақиқати”
мухбари
Жалолиддин ЭСОНОВ
олгани суратлар



Эсаузак ғаплар ёки шамол тегмагани ҳангома

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Баъзан даворларда, йигин ёки мажлисларда “чайналласдан, минирламасдан, ғапни шартта-шартта кесиб-кесиб ғапир”, деган идаёларни эшишиб қоламиз. Ҳой, оғайнин, бу айтиша осон, лекин ғапириш жуда жуда қийин-да. Кесиб ғапириш азоб ва қўркув. Умуман, ғапни каеридан қанча кесиб ғапириш мезони ёки ўлчови белгиламмаган. Шундай экан, ғапни қаеридан, қанча ўтчаб кесиш керак? Уша ғапни кесиш тилнинг кучи етариқини. Етмаса-чи ёки чала кесса нима бўлади? Кесилган гап ногирон ёки майбо бўлиб қолса-чи, товонини ким тўлайди? Сиз оёқ-кўл, кулоклари кесилган мўнди ғапни тасаввур қилиб кўринг-чи?

Кесиб-кесиб ғапириш – жасорат. Кесиб шартта-шартта ғапириган одамнинг орқасида яна бир кесиб-кесиб ғапириуни тогдай таянч бўлиб турса, яна ҳам яхши. Шунда ғапини ҳеч ким кесолмайди. Кесишин хаёлига ҳам кептиримайди. Бундай пайтда таваккалчилик ҳам иш бермайди.

Тўғри ғапни айтиш ва кесиб-кесиб шартта-шартта ғапириган одамнинг орқасида яна бир кесиб-кесиб ғапириуни тогдай таянч бўлиб турса, яна ҳам яхши. Шунда ғапини ҳеч ким кесолмайди. Кесишин хаёлига ҳам кептиримайди. Бундай пайтда таваккалчилик ҳам иш бермайди.

Хамиша тўғри ғапнинг йўлини пойлаб ўғри гап, бир ҳочув эгри гап, нияти бузук буки гап, унга соя солиш учун пайт пойлаб туради. Тўғри ғапни чалғитмоқчи ва йўлдан урмоқчи бўладилар. Лекин бунинг сира-сира илохи ўйк. Чунки тўғри гап – нишона гапиришга туборади.

Боғ гап, соғ гап, соғ гап, даг гап – бир чимдим-бир чимдим кўшсанг ўткоғ гап бўлади.

Куриган дараҳт тўғе кўруқ, ўтин гапга ўхшайди. Агар дараҳтнинг мевалари ширин, тотли бўлса, ҳамма боғ гапга интилайди.

Боғ гап тоб гапнинг этағида бўлса, яшайди, сарҳосига бўлади. Бундан одамнинг кайфияти тоғ гапга айланади. Ҳаммаси бир бўлиб, соғ гап дунёга келади. Илоё, даг гапнинг сасини кўрсатмасин. Лекин унинг ўрнига ёғ гап бўлса, ўйк дәмаймиз.

Баъзан кулоқка чалинор мавҳум ғаплар – ҳануз аниқ гап ўйк.

Ҳар тарағфа олиб қочар – аммо аниқ гап ўйк. Мушак сингари учар ғаплар – лекин аниқ гап ўйк.

Тўғрисидан эгриси кўп – бироқ аниқ гап ўйк. Сафсатанинг кўйгин, энди эй ғапбоз, ёлғонларинг жонга тегди. Ғапларингда маъно ўйк – аслида аниқ гап ўйк.

Ашурали ЖЎРАЕВ
(Давоми бор)

ОТАСИННИГ ҚИЗИ

Кўзларига суртгай юрган изингиз, Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.

Муҳаммад ЮСУФ
Ўзбекистон ҳалқ шоирини

Сулола



Машхур инсоннинг фарзанди булиш осон эмас: ҳар қадамда масъулнинг юкини ҳис қилиб, шунга муносиб яшашга тўғри келади. Бундай сазоворлик масъулнинг бир лаҳза ҳам унутмай, отасининг йўлидан бораётган фарзандлар орамизда кўп. Уларнинг ютуқларини кўрганимизда “отасининг ўғли”, “отасининг қизи” деб, алқаб қўймиз. Шундай отасига раҳмат кептираётган, ўғитларини ерда колдирмаётган замондошларимиздан бири, севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг кенжа қизи Мадина Юсуповна.

Мадинанинг кўрганимизда ҳудди Муҳаммад Юсуф билан учрашгандек ҳис қилдим ўзимни. “Қизлар отасига ўхшайди”, дердилар раҳматли бувим. Рост экан: Мадина Юсуповнинг суврати ҳам, сирити ҳам, каламидан тўқилаётган сатрлари ҳам ардоқли шоиримизни ёдга солади.

Албатта, Мадина Юсурова ҳавас кисла арзиди-

ган ижодкорлар суполасинида ҳам баланд маданинг давомчиси. Бобоси – машҳур олим, профессор Файбулла ас-Салом, онаси – шоира Назира ас-Салом. Отаси эса – Ватан кўйичи, чинакам ҳалқ шоирини Муҳаммад Юсуф! Шеъриятга, адабиётида меҳр улардан ўтгани табиий. Ҳозирда Мадина ҳам бир-биридан гўзал ашъорлар битиб, замонавий шеъриятимизда ўз ўрнини топишга интиломда. Мадина Муҳаммад Юсуповна ижтимоий таҳаллуси билан ижтимоий

тармоқлардаги саҳифалирида, газеталарда ўз ижод намуналарини эълон қилиб келмоқда. Ёш бўлишига қаромай, ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган кўп сонли мухлисларини қувонтириди.

Севимли шоиримиз: “Киз отасин ҳар қадамда эслайди”, деб ёзганда аслада замонавий шеъриятимизда бир унга олган оғир карвоним.

Танерим азиз этган улуг инсоним, Шеърият атталган юрга хоқоним.

Бисотим сўз менинг, маскин масалли,
Ҳаёлларинизда бўлсан акалли,
Келмайсизми бизни баҳтили этгани,
Дийдор қўематга қолдими, ота!

Мадина Муҳаммад Юсуф қизига ўзбек шеърияти осмонида юксак ижодий парвозлар ёр бўлсин! Ёш шоирининг отаси эриштан давонларга чиқиб, ҳалқимизнинг меҳру муҳаббатини қозонишига ишонамиш.

Алишер ТОИРОВ

TOSHKENT НАОІОТАІ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
 Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G’afurjon MUAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYeva
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
 (55) 520-64-95
Bosh muharrir o’rinbosari:
 (55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
 (55) 520-05-10
Bo’lim muharrirlari:
 (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
 (55) 520-21-20
 e-mail: toshkenthaqiqati@mail.ru

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
O’tkir HOSHIMOV

Bosishga topshirish vaqtி: 21.00
Bosishga topshirildi: 22.00
Nashr ko’rsatkiichi: 205.
 Buyurtma G-731.
 6 425 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va omvavimda
komunikatsiyalar boshqarmasida
 2011-yil 12-yanvarda
 03-001 raqam bilan
 ro’yxatga olingan.

Manzilimiz:
 111500, Nurafshon shahri,
 Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
 Toshkent shahridagi
 ofisimiz: Bektemir tumani,
 Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
 таҳририяти компьютер марказида
 терildi va Tohir Mahmudxojaev
 томонидан sahifalandi.

Haftaring
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
 aksiyadorlik kompaniyasi
 bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6